



## O'zbekiston Milliy axborot agentligi O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal  
2024-yil aprel soni №4 (54)

Toshkent-2024

## ЯНГИ ЗАМОН ШЕЪРИЯТИ ВА АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ АДАБИЙ ҚАРАШЛАРИ

Гуландом ТОҒАЕВА

Доцент

филология фанлари номзоди

Чирчик давлат педагогика университети

Чирчик, Ўзбекистон

[g.togayeva@cspu.uz](mailto:g.togayeva@cspu.uz)

### Аннотация

Мақолада маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний ижоди, адабий қарашлари таҳлил килинади.

**Таянч сўзлар:** эстетик эҳтиёж, Абдулла Авлоний, шеърият, бадиий мезон, инсон, хадиси шариф, дард, виждан.

## ПОЭЗИЯ НОВОГО ВРЕМЕНИ И ЛИТЕРАТУРНЫЕ ВЗГЛЯДЫ АБДУЛЛЫ АВЛONI

Гуландом ТОҒАЕВА

Доцент

кандидат филологических наук

Чирчикский государственный педагогический университет

Чирчик, Узбекистан

[g.togayeva@cspu.uz](mailto:g.togayeva@cspu.uz)

### Аннотация

В статье анализируются творчество и литературные взгляды поэта-просветителя Абдуллы Авлони.

**Ключевые слова:** эстетическая потребность, Абдулла Авлони, поэзия, художественный критерий, человек, хадиси шариф, боль, совесть.

Янги ўзбек шеъриятининг эстетик эҳтиёжлари кўп қирралидир. Адабиётшунос олим У.Ҳамдам таъкидича, XX асрда ўзбек шеърияти бадиийлик даражаси нуқтаи назаридан иккига ажralиб қолди. Биринчиси, давр муаммолари санъаткорона акс этирилган, кўпнинг дарди шоир дардига, ижтимоий дард шахс дардига айланган, шахсийлашган шеърият бўлса, иккинчиси, даврга хос муаммолар бадиийлик мезонларидан туриб эмас, балки жамиятда тутган ўрнини, долзарблигини қайд этиш ва жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш мақсадида ёзилган, шу билан бирга назмбозлик ва маддоҳлик маҳсули сифатида дунёга келган шеъриятни киритади ва мисол қиласи [5;22]. Шоирнинг шахсий дарди давр дардига сингишиб кетган, яъни биринчи таснифга кирувчи шеърлар кўплаб шоирларимиз ижодида ҳам асосий пиллапоя бўлиб хизмат қиласи.

Шоир Абдулла Авлоний ижодини кузатганда ҳам ана шу жараённи чукур ҳис қилиб

яшаган ижодий қаҳрамон кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, шеъриятда тарих, замон ва келажак диалектикасини бадиий бўёқлар билан тасвирлаш ҳиссининг кучлилиги ва инсон қисмати ва тақдири масаласини даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий муаммолари доирасида образли таҳлил этиш ижодкорнинг юксак эътиқоди ва ҳақиқатга бўлган сўнмас муҳаббатидан дарак беради. Унинг ўтган асрда ижодий қаҳрамонининг бадиий қиёфасини акс эттирган асарларида ана шу юксак бадиий тафаккур қирралари акс этган. А.авлонийнинг бадиий қаҳрамони шу юрт, тупроқнинг ҳар бир қаричини ўзгача меҳр билан ардоқлади. У “Тоғлардан бир манзара” шеърида шундай дейди:

*Туркистон тоғлари тўла кон эмиши,*

*Ичи, тоши бутун ошу нон эмиши.*

*Нодонликдан бизлар они тош дердик,*

*Кумуш-олтин ичинда пинҳон эрмиши [1;204].*

Албатта, янги ўзбек шеърияти заминида жадидмаърифатпарварларининг дунёқараши тамойиллари акс этади. Ушбу тамойиллар орқали Шарқ ва Ғарб маънавияти, фан ва маданияти ўзаро муқоясага киришади. Туркистон халқарининг пароканда турмуши, Ғарбдан бирмунча ортда қолган яшаш тарзи, маънавий тарақкиётдан бебахралигидан афсус-пушаймонлиги оҳанглари ушбу лирикада намоён бўлади. Шоир А.Авлоний “Тоғлардан бир манзара” шеърида ўз фикрини шундай давом эттиради:

*... Ёврупа маъданларни истаб топур,*

*Афсус, биз фан илмини отгон эмиши.*

*Зар қадрини заргар билар дегандек,*

*Биз, нодон ғам лойига ботган эмиши.*

*Бизга дунё илми керак эрмас деб,*

*Охират дунёни биз сотган эмиши.*

*Кеча-кундуз бизлар дарду меҳнатда*

*Илм ила ёвруполик хандон эмиши...*

Шу билан бирга шоир ўз халқининг дунёвий илмларга бўлган чанқоқлигини ҳам қалдан ҳис қиласди, бу илмларга қарши бўлиб, панжа орасидан қараётганларга бефарқ бўлмайди. Айниқса, ижодкор мактаб-маориф, адабиёт ва миллат, илм ва уни қадрлаш зарурияти ҳақидаги туркум шеърларида инсон ҳаёти ва унинг моҳияти муқоясаси орқали бадиий фикрни камолга етказади. Жумладан, “Мактаб” шеърида шундай сатрлар бор:

*Фирдавси жинон мактаб, нодонлара жон мактаб,*

*Билган кишига қадрин бир дорилоломон мактаб.*

*Кўнул ошиги мактаб, руҳинг пишиги мактаб,*

*Илму адаб ўргатгай, донанда, кордон мактаб [1;204].*

Шоир бу билан илм таҳсили кечадиган, инсон адабини камолга етказадиган даргоҳни улуғлар экан, унинг табарруклигига, киши дунёқарашини ўқтам ва гўзал шаклланишига “воститаю-робита “ бўлувчи урфон остонасига ишора қиласди:

*Кимки ўқимас мактаб, кирмас-қарамас мактаб,*

*Қилгай бу кишилардан фарёду фигон мактаб.*

*Жоним, ўқингиз мактаб, бору ўйқингиз мактаб,*

*Сизлар учун авлодим, боғу-гулистан мактаб.*

Ушбу сатрлар замирида ўша давр ҳақиқати бўлмиш янгича дунёқараш, жадидчилик маърифатига ёндош ҳис-туйғулар уфуриб туради. Гарчи ушбу шеър содда, жўндай туюлса-да, самимияти билан қимматлидир.

Гегель ўзининг “Эстетика” номли асарида “Поэзиянинг ҳақиқий предметини

куёш, тоглар, ўрмонлар, манзара ва инсоннинг ташки белгилари эмас, руҳий-маънавий қизиқишилари ташкил этади”, дейди. Шоир А.Авлоний нинг “Мактабга тарғиб”, “Ватан”, “Билимсиз олифталарга”, “Истиқболдан орзуларим”, “Маориф надур” деб номланган шеърларида дунёни ана шундай кенг теранлик англаш ҳисси устувор. Жумладан, “Ватан” шеърида дунёга янгича назар ташлаётган ижодий қаҳрамонни кўрамиз.

*Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдур,  
Ҳар ким сенинг қадринг билмас-ақли пастдор.  
Сенинг туйғунг юракларга савдо солур,  
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур [1;196].*

Бунда инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юртига бўлган муҳаббати барча туйғулардан устун қўйилади ва Ватанган “она” деб мурожаат қиласиди:

*... Яна сенга кирадурмиз бағринг ёриб,  
Онамизсан! Бизнинг мушфиқ онамизсан!*

Ушбу самимий эътироф шоир ижодининг лейтмотивини ташкил қиласиди, десак муболаға бўлмайди.

У ўз дил розларини ёлғиз Тангрига айтиш орқали хузур олади, гўёки ошиқ ўз дилдорига ишқ дардини тўкиб енгилллашади:

Шоирларнинг ижтимоий-рухий фаоллиги ортгани, улар туйғуларинигина эмас, балки туйғулар анатомиясини, кечинмалар ҳақидаги ахборотни эмас, балки унинг манзарасини, манбасини кўрсатишга киришганлари лирикада поэтик тафаккурнинг ижтимоий психологик асослари қандайлигини билиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Фақат кенг маънода ёндашилгандагина уни ҳис қилиш мумкин. Руҳият манзараларини бутун мураккаблиги билан тасвирлашга кучли эҳтиёж поэтик тилда янги тимсоллар, қиёфалар пайдо бўлишига олиб келди. Биргина яхшиликни ўзига асосий шиор қилиб олган ижтимоий фаол қаҳрамон сиймоси ўша даврлардаёқ шеъриятимиз камоли юксаклигидан дарак беради. Шоир А.Авлоний ижодида ана шу қаҳрамон “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” ва “Мактаб гулистони” деб номланган шеърий туркумларида ана шу тамойиллар ҳукмрон. Шоир асарларида “Наът”, “Муножот”лар ва пайғамбаримиз-сарвари коинот тимсоли ҳам учрайди.

Ўзбек адабиёти тарихидан маълумки, кўплаб шарқ шоирлари Пайғамбаримиз(с.а.в.) Ҳадиси шарифлариша шеър боғлаганлар. Бу ҳақда олимлар Бегали Қосимов, Ҳ.Кароматов, Илҳом Ғаниев ва Нодира Афоқова кабиларнинг илмий изланишларида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар айтиб ўтилган [4;206]. Олим Ҳ.Кароматов тўғри таъкидлаганидек, “совет шарқшунослиги ва адабиётшунослигида ислом ва Қуръоннинг келиб чиқиши ва шарқ адабиётига таъсири ҳукмрон гоялар замирида сохта талқин этилиб, мазмуни уйдирма категориялар ёрдамида бузиб кўрсатилган” [3;23].

Шоир Абдулла Авлоний шарқ шеърияти қадриятлари, жумладан, ҳазрат Навоий анъаналарини рамзий маънода давом эттириш билан бирга шеъриятга воқеий жараённи ифода этиш усули билан назмий салоҳиятни кўрсатади. Ва бу билан камолотга етишган, яхшилик боғининг боғбони бўлган Инсон образи ифодасини тўлиқлаштиради. Шоир “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” туркuminинг “Ҳамд” қисмида шундай дейди:

*Қалам құдратини олама қилиб инио,  
Ики жаҳонга ики ҳарф айлади имло.  
Бу корхона бир устоддин эмас холи,  
Керак бу құдратта, албатта, қодириу доно [1;90].*

Шоир кейинги сатрларда Тангриннинг ҳамди орқали Инсонни азиз мавжудотлигига

ишора қиласы:

*Яратти ер юзида энг мушарраф инсонни,  
Беріб фаросату ақли тилин қилиб гүё.*

Бунда кичик бир воқеани ҳикоя қилиш билан бирга шоир ўз фикрини “Инсон” образи орқали қучайтириб беради. Гарчи шеърлар шеъриятимизнинг азалий анъаналариға содик “тұл”, “булбул”, “мұғбача” каби образларга бой бўлса-да, аммо ғоялар, уларниг моҳиятидаги маънолар фаоллашганини кўрамиз.

Бунда эса, ўз навбатида, ушбу компонентларга асосланган ҳолда типиклаштириш пайдо бўлади. Зоро, типиклаштиришнинг асосий приёмларидан бири жамловчи образ, бўрттириш ёки бадиј образни фантазия орқали қўрсатиш ҳамда образларни индивидуаллаштиришdir. Бу шахсий кечинмалар ўқувчи кечинмаларини акс эттириши билан умумлашма тусга эга бўлади. Воқелик тўғри ва асосли идрок қилинса, ўқувчи қалбида у акс беради. Шоир ўз кечинмаларини чор-атрофдаги бирорта детал асосида ёритиб, ўқувчи эътиборини тортади, унинг туйғуларини уйғотади:

*Хомам тўкиюр хуни жигардин ғазалиёт,  
Ойнаи ҳар миллат эрур тил-адабиёт [1;165].*

Бунда шоир “ойна” деталини ифодалаш орқали ўз ҳис-туйғуларини уларга юклайди. Ойна-инсон қалбининг, кечинмаларининг зухурига айланади. Шоир бунда “адабиёт”га бўлган юксак эҳтиромини намоён этади, тил, сўз, адабиёт шунчаки оддий ҳодиса эмас, балки ижодкорнинг юрак қони, жигар-бағри билан ҳис қилган, теран томирлар билан англанган борлик самараси эканлигини таъкидлайди.

Шоир ижодий услубида публицистик пафос, ижтимоий мазмун кучли. Бинобарин, поэтик услубдаги ижтимоий-психологик асослар ижодкор яшаган давр, муҳит ва воқелик билан чамбарчас боғлиқ. Faқat бунда шоир ўз халқидан бир қадам олдинроқда юра билиши керак. Шу боис унинг ижодида давр ҳодисаларига танқидий, ҳушёр назар билан боқиши ҳисси устувор.

Професор С.Мамажонов ёзади: “ўзининг шахсий қиёфасини, ижодий сиймосини қўрсата олмаган, ўзининг оригинал овози, стили ва манерасига эга бўлмаган шоир асари ҳатто ижодкорнинг остонасидан ҳам ташқарига чиқа олмайди”. Ҳақиқатдан ҳам, шоирона нигоҳда ўзига хос оригиналлик, услубийлик ва мақсадлилик муҳим ўрин тутади. Шоир ижодий қаҳрамони шу боис заковатни, фикру-шуурни яхшилик билан банд қилишни ҳамиша ўзига шиор қилиб олгани сезилиб туради.

Адабиётшунос В.Брюсов таъбири билан айтганда, “ҳақиқий шоирнинг ҳар бир лирик шеърида янги “Мен” бўлади... Шоирнинг ўзига хослигини унинг ижодий приёмларидан, севимли образларидан, метафораларидан, вазни ва қофияларидан пайқаб олиш мумкин, аммо у ҳар бир шеърида ифодаланаётган ҳис-туйғу ва фикрларини такрорламаслиги шарт” [2;74]. Шоир А.Авлоний шеъриятида ана шундай бадиј бақувват қаҳрамоннинг шиддати, дарди туғёни уфуриб туради, у ўз даврининг фарзанди сифатида озодликка йўғрилган, юрт севгисини қалбида жо қила олган фидойи қалб эгасидир.

Ҳар томонлама кенг интеллектуал билимлилик ва Ватанини, тарихини ҳар қандай ҳашамсиз, чин дилдан севиш, бир-бирини ғафлат уйқусидан уйғотиш каби фазилатларни ўзида жамлаган тафаккур қатламлари инсон қалбининг чинакам мазмуни ва мундарижасини ифодалаш, беҳад ранг-баранглик ва миллий ҳаётнинг чексиз ўзига хосликлари ва йўналишларини акс эттириш маҳоратига бевосита таъсир этади. Чунки шоир ўз ғоясининг теранлиги билан ҳақиқатга таъсир кўрсатади, уни фаол қиласы. Фоя эса тафаккур мевасидир. Шундагина лирик қаҳрамон курашувчан, одамларни ўзига

эргаштирувчи ботирга айланади.

Донишмандлар инсон қалбини “олами кубро”, яъни “олам ичидаги энг катта олам”, деб аташган. Ўзи жисман заиф бўлса-да, фикри-шуури осмондаги юлдузларга етадиган Инсон қалам билан янада шарафланди, обрў-эътибор, эъзоз топди. Ҳаётда қанчалик қулайликлар кўпаймасин, электрон воситалар бизни қанчалик қуршаб олмасин, ижодкор сўзининг, қаламининг мавқеи асло пасайгани йўқ.

Шоир аслида ким? У ўз халқининг маънавий-маърифий ганжиналарини асрabbavайлаб, янада бойитувчи хазинабон, ўз даврининг нафасини, шукухини кейинги даврларга элтувчи тарихчи ва чароғбон, ниҳоят, келажакка томон қадам ташлаётган Ватанининг олдинги сафларида кетаётган руҳбондир. Шоир ўз тилининг лугат бойлигини, салоҳиятини оширувчи, адабий-эстетик ҳодисаларни бирлаштириб, инсоният шу пайтгача эришган тафаккур мақомининг симметрияларини кашф қила оладиган, башариятни уйғотувчи комил инсондир.

Ҳар бир шоир ўз навбатида, қайси даражада бўлмасин, шунга интилиб келган. Ўзбек адабиёти тарихига назар солсак ҳам, ана шу тамойилнинг белгиларини қўрамиз. Тўғри, адабиёт ишига кўп даврларда синфиийлик нуктаи-назаридан ёндашилди, адабий анъана ва методлар, адабий ютуқлар партиявий жиҳатдан баҳоланди. Лекин ўзбек адабиётида яратилган ҳақиқий асарлар ўз ҳаётчанлигини йўқотмади. Чунки зоҳиран синфиийлик характеристига эгадек туюлган бу асарларнинг ўз руҳи, ички мазмунида умуминсонийлик концепцияси, жаҳон халқларини баҳтли, фаровон ва аҳил қўриш ғоялари мужассам эди.

Буни жадид даври адабиёти вакиллари ижодини ўрганганимизда ҳам кузатишнимиз мумкин. Фитрат, Ҳамза, Ибрат, Тавалло, Сидқий, Чўлпон кабилар ижоди ҳақида сўзлаганда адабиёт ўз даврининг бадиий инъикоси, бу ижодкорлар эса ўзи яшаб турган воқеликнинг онгли, хушёр аъзоси бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, ҳақиқий ижодкор чор-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга шунчаки гувоҳ эмас, балки уларни баҳолай оловчи тарозибон, мисоли олтинни мисдан ажрата оловчи заргар каби ҳақиқатни ёлғондан ажрата оловчи нозик кузатувчиидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998.
2. Брюсов В. Сочинения. I том. – Москва, 1972.
3. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Куръон мавзулари (адабий тарихий таҳлил): Филол. фан.докт.автореферати. – Тошкент, 1993. – 23 б.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент, 2000.
5. Улугбек, Ҳамдам. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.



# MUNDARIJA

## *Iqtisodiyot*

<b>Ш.Н.МУРАТОВА.</b> Совершенствование таможенной практики борьбы с нелегальной торговлей исчезающими видами дикой флоры и фауны .....	3
<b>U.JIYANOV.</b> O‘zbekistonda ziyorat turizmining rivojlanish tendensiyalari.....	9
<b>K.M.YULDASHEVA.</b> Qurilish materiallari sanoatida innovatsion faoliyat samaradorligi.....	16
<b>Ф.И.ИСМОИЛОВА.</b> Ички аудит хизматини ташкил этишни такомиллаштириш масалалари.....	21

## *Yuridik*

<b>И.Б.ДЖУРАЕВ.</b> Рақамли технологияларни қўллаш орқали суд қарорларини чиқариш жараёнини янгилаш ва оптималлаштириш истиқболлари.....	28
<b>М.СУЛТОНОВ, Б.МУРОДОВ.</b> Ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари юзасидан айrim тергов ҳаракатларини ўtkазиш тартиби .....	34
<b>Э.Т.МУСАЕВ.</b> Контракт с профессиональными спортсменками: проблемы правового регулирования .....	41
<b>И.Х.АТАМИРЗАЕВ.</b> Янгилаётган Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини тадқик этишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	47
<b>Ш.Ф.ФАЙЗУЛЛАЕВ.</b> Шахснинг айбини исботлаш жараёнида юзага келаётган баҳсли вазиятлар ёхуд қонундаги бўшлиқлар .....	53
<b>А.И.БЕКЧАНОВ.</b> Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ижтимоий экспертизаси .....	59

## *Filologiya*

<b>И.НОСИРОВ.</b> Навоийшунос олим Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг “Кўнгил хайратлари” монографиясида қиёсий тадқиқот маҳорати .....	68
<b>К.М.ЖУМАКАДЫРОВА.</b> Алишер Навои – выдающийся поэт, великий мыслитель .....	76
<b>N.E.YULDOSHEVA.</b> Sodda gap qoliplari voqelanishida nolisoniy omillarning ustuvorlashuvi .....	81
<b>K.HAMROYEV.</b> Hikoyada badiiy metamorfoza ma’rifati .....	87
<b>Q.S.SOBIROV.</b> Personaj nutqida epitetlarning funksional xususiyatlari .....	93
<b>И.Н.РАҲМАТУЛЛАЕВА.</b> Янги давр: миллий-маънавий юксалишнинг ўзбек телевидениесида акс этиши .....	98

<b>Г.ТОҒАЕВА.</b> Янги замон шеърияти ва Абдулла Авлонийнинг адабий қарашлари .....	104
<b>N.A.CHO'LIYEVA.</b> Nazar Eshonqul hikoyalarda zamon va makon munosabati.....	109
<b>O.XURRAMOV.</b> Tarixiy hikoyalarda Bobur hayoti lavhalarining badiiy aks ettirilishi .....	114
<b>Y.G.DJURAYEVA.</b> Temuriyzoda xotin-qizlarga ism tanlash tamoyillari.....	121
<b>А.В.ТКАЧЕНКО.</b> Личность Алишера Навои в романе Айбека «Навои» и в повести Л.Г.Бать «Сад жизни» .....	125
<b>Sh.QURAQOVA.</b> Semiotika muloqot shakli sifatida .....	131
<b>С.И.РАХМАНОВ.</b> Босма ОАВ ва интернет нашрларида пахта-тўқимачилик саноати талқинларига бир назар.....	136
<b>M.D.JO'RAYERVA.</b> G‘azal janrining vujudga kelishi va tadrijiy taraqqiyoti .....	143
<b>M.Sh.NURUTDINOVA.</b> Nodira ijodining o‘rganilishi tarixidan .....	150
<b>M.X.FAZLIYEVA.</b> Ibn Al-Muqaffanining hayoti va uning tarjimon sifatidagi mahorati (“Kalila va Dimna” asari misolida).....	155

## *Falsafa*

<b>G.T.KABULNIYAZOVA.</b> XX asr G‘arb falsafasi vakillari Maks SHeler va Alfred Adlerlarning antropologik qarashlari.....	161
<b>B.B.O’RAZOV.</b> Ijtimoiy davlat konsepsiyasining g’arbona modellari: falsafiy-ilmiy tahlil.....	167

## *Tarix*

<b>Sh.Sh.XASANOV.</b> Mustaqillikning boshlarida O‘zbekiston meva va sabzavotchilik tarmog‘ining ijtimoiy-iqtisodiy holati.....	172
---	-----

## *Texnika*

<b>М.Ж.МАХМУДОВ, Ф.И.МУРТАЗОЕВ.</b> Автомобил бензинлари таркибида ароматик углеводородлар ва бензол миқдорини камайтириш усуллари .....	177
<b>М.Ж.МАХМУДОВ, Ф.И.МУРТАЗОЕВ.</b> Нефт фракциялари таркибидан ароматик углеводородларни ажратишнинг замонавий усуллари ва индивидуал ароматик углеводородлар ишлаб чиқариш технологиялари.....	186